

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари  
қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси” УК Фаргона вилоят худудий  
бошқармаси бошлиги Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022- йил 26-Октябр кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси  
президентининг 2022-йил 25-октябр кунги  
ПҚ-408 сонли қарорига асосан Риштон тумани Сарой МФЙ худудида яшовчи аҳолини тоза  
ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши тавсия этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Риштон тумани Сарой МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи  $\_\_ \text{ м}^3$  ҳисобланиб,  
уланниш нуқтаси. Сарой МФЙ худудида 2 дона сув қудугини таъмирлаш, 2 дона замонавий электр  
тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чиқиб 2 дона ичимлик сув минораси  
ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 2 дона шит каскад ўрнатиш ҳамда лойиха ва  
гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 7.7 км бўлган ичимлик сув қузури тортиш замонавий  
пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига  
мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик  
коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида,  
тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган  
ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг,  
қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-  
монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан  
келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли  
қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув  
объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши  
белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур  
қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади  
ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб  
ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
Риштон туман филиали раҳбари:



“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
Риштон туман филиали ИЧБ муҳандиси:

*Handwritten signature of J. Sobirov*  
*Handwritten signature of I. Mamaaliev*

Ж.Собиров

И.Мамадалиев